

## Сотувчи ва харидор шартномаси



16:08 / 10.12.2019 3870

Ушбу битим \_\_\_ йил \_\_\_ ой \_\_\_ кунда (жой номи) да (Ф.И.Ш. туғилган сана, ой, кун, жинси, яшаш жойи (паспортга мувофиқ) (бундан кейин сотувчи деб юритилади) ва (Ф.И.Ш. туғилган сана, ой, кун, жинси, яшаш жойи (паспортга мувофиқ)) (бундан кейин харидор деб юритилади) томонларидан тузилди.

Ушбу битим \_\_\_ йил \_\_\_ ой \_\_\_ кунда (жой номи)да қуйида СОТУВЧИ деб юритилувчи **Фалончи Фалончи ўғли** (исми-шарифи, фамилияси, туғилган санаси, жинси, паспортида кўрсатилган яшаш жойи) ҳамда қуйида ХАРИДОР деб юритилувчи **Фалончи Фалончи ўғли** (исми-шарифи, фамилияси, туғилган санаси, жинси, паспортида кўрсатилган яшаш жойи) томонидан тузилди.

Битимнинг асоси:

Сотувчи ва харидор ушбу битимни ўз розиликлари билан имзоласалар, қуйидаги келишув амалга ошади:

– СОТУВЧИ (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи ва бошқа маълумотлар) машинани ХАРИДОРГА Ўзбекистон давлат валютасида 36 000 000 (ўттиз олти миллион) сўмга сотиб, 6 000 000 (олти миллион) сўм маблағни биринчи бўлак сифатида олди. ХАРИДОР қолган 30 000 000 (ўттиз миллион) сўмни 2019 йилнинг 1 мартдан 2020 йилнинг 1 февралигача, яъни 12 (ўн икки) бўлакда, ҳар ойнинг 1 (биринчи) кунида 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўмдан СОТУВЧИга тўлаб боради.

– ХАРИДОР ушбу (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи ва бошқа маълумотлар) машинани айтиб ўтилган қайдлар асосида сотиб олиш шартини қабул қилди.

Келишув шартлари:

Сотувчи ва харидор ушбу битимнинг қуйидаги шартларига келишиб олишди:

1. Сотувчи сотилаётган (русуми, ишлаб чиқарилган жойи ва йили, от кучи) машинанинг ўз мулки эканини тасдиқлади.
2. ХАРИДОР ушбу машинани ўз кўзи билан кўрганини, савдони бузиб, сотувчига машинани қайтариб бериш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини тасдиқлади.
3. ХАРИДОР савдода қайд қилинган маблағ бўлакларини милодий 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача, яъни 12 (ўн икки) бўлакда ҳар ойнинг 1 (биринчи) кунида Ўзбекистон давлат валютасида 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорда СОТУВЧИга кўрсатилган манзилга етказиб беришга рози бўлди.
4. ХАРИДОР тўлов бўлакларини адо қилгунга қадар СОТУВЧИ ундан гаров ёки кафолат талаб қилиши мумкин.
5. Харидор 4-бандга рози бўлса, келишилган тўлов бўлакларини тўлай олишининг исботи учун молиявий кафолат, ишонч қоғозлари ёки кўчмас мулк ҳужжатлари кабиларни тақдим қилади.

(Бизда сотувчи ушбу машинанинг фақат ҳужжатларини гаров сифатида ушлаб туришини йўлга қўйиш мумкин. Лекин бу харидорга машинани мулк сифатида тасарруф қилиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги билан бирга шу

кўринишдаги гаровни қўйган бўлса харидор савдо молини учинчи шахсга сотиб юбориши тўғри бўлмайди)

6. Харидор келишилган бўлақлардан бирини (харидор бунинг неча марталигини сотувчи билан келишиши мумкин) сабабсиз бера олмаса, сотувчи қолган бўлақларни нақд беришни талаб қилиш ҳаққига эга бўлади.

7. 6-банддаги ҳолат юзага келганда сотувчи харидордан қолган бўлақларни нақд олар экан, нақд олаётган бўлақлардаги фойдаларни олмайди.

(Чунки аслида насия савдоси сабабли нарх оширилган эди. Бу вазиятда эса тўловни нақд олиш билан насия савдоси нақд савдога айланмоқда. Шунинг учун ҳам сотувчи нақд олган қисмидаги қўйилган фойдаларни олмайди. Мабодо фойдаларни олмоқчи бўлса, насия муддатини кутсин. Йўқ, кутмайман деса нақд олар экан уларнинг фойдасини олмасин. Шу сабабли ҳисоб-китоб жараёнида икки тараф ҳам ҳар бир бўлақнинг фойдасини алоҳида белгилаб боришлари маъқул бўлади).

8. Агар харидор бошқа ўринда тўлашга келишилмаган бўлса, харидор тўлов бўлақларини сотувчи яшайдиган манзилда беради.

9. Харидор келишилган маблағларни тўла адо қилиб бўлгач, сотувчи гаров ёки кафолатларни эгасига қайтариб беради. Сотувчи харидорга машинани топширгач, ушбу машинага етадиган ҳеч қандай зарарга масъул бўлмайди.

10. Келишилган маблағнинг барчаси ёки аксар қисми адо қилингач, сотувчи машинани қайтариб олиши ёки унинг нархига устама қўйиши мутлақо жоиз эмас.

11. Расмий шартнома давомидаги сарф-харажатлар, мулкни кўчириш каби тўловлар харидор зиммасига юкланади.

12. Ушбу битим икки нусхада имзоланиб, ҳар икки томонда бир нусхадан сақланади. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўлов жадвалини икки томон юзма-юз тўлдириб боришади.

Сотувчи: \_\_\_\_\_ имзо / \_\_\_\_\_ /

Харидор: \_\_\_\_\_ имзо / \_\_\_\_\_ /

Гувоҳлар:

1. \_\_\_\_\_ ИМЗО / \_\_\_\_\_ /

2. \_\_\_\_\_ ИМЗО / \_\_\_\_\_ /

01.02.19 Сешанба.

**«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан**